

6-1-2020

ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES

U. Shirinov

Samarkand Institute of Economics and Service

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Shirinov, U. (2020) "ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 23.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss3/23>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

У.А.Ширинов
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ: МОҲИЯТИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг инновацион технологияларига асосланган шаклларнинг моҳияти, афзалликлари ва камчиликлари ҳақида баён қилинган. Рақамли иқтисодиёт тушунчасининг моҳияти ҳамда ҳозирги даврда хорижий мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини юритишда қўлланилаётган дастурий таъминотлар, булутли технологиялар, блокчейн технологияларини қўллашда вужудга келадиган кулайликлар ва камчиликлар тадқиқ этилган.

Таянч сўз ва иборалар: Рақамли иқтисодиёт, дастурий таъминотлар, блокчейн, бухгалтерия ҳисоби.

БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ: ЗНАЧЕНИЕ И ПРЕИМУЩЕСТВА

В статье раскрываются сущность, преимущества и недостатки форм организации бухгалтерского учета, основанные на инновационных технологиях в условиях цифровой экономики. Изучается сущность концепции цифровой экономики, а также преимущества и недостатки современного программного обеспечения, облачные технологии, технологии блокчейн, используемые в бухгалтерском учете в зарубежных странах.

Ключевые слова. Цифровая экономика, программное обеспечение, блокчейн, бухгалтерский учет.

ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES

The article reveals the essence, advantages and disadvantages of the forms of organization of accounting based on innovative technologies in the digital economy. The essence of the concept of digital economy and the advantages and disadvantages of the current software used in accounting in foreign countries, cloud technologies, blockchain technologies are studied.

Keywords. Digital economy, software, blockchain, accounting

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бош ислохатлардан бири иқтисодиётимизни рақамлаштиришдир. Ҳозирги глобаллашув жараёнида рақамли иқтисодиётни қўлламасдан дунё мамлакатлари билан рақобат қилиб бўлмайдиган. Рақамли иқтисодиёт бизга нафақат дунё мамлакатлари билан алоқа

қилишга балки мамлакатимиз иқтисодиётини ҳам шаффоф, яъни яширин иқтисодиётдан батамом қутилишга хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиётга ўтишда аввалом бор бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш талаб этилади. Хўш бугунги кунда бу соҳа рақамли иқтисодиётга ўтишга тайёрми? Бу соҳада фаолият олиб борадиган кадрлар ератлими? Мамлакатимиздаги мавжуд ахборот технологиялари рақамли иқтисодиётга ўтишга тайёрми? Мана шундай саволлар бугуннинг долзарб масалаларига айланган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Хўш рақамли иқтисодиётнинг ўзи нима? Турли манбаларда турлича ёндашилган бу атамага. Ш.Соатованинг фикрига кўра: Рақамли иқтисодиётга куйидагича таъриф берган – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.[1]

Иқтисодчи олим Ш.Мустафоқуловнинг фикрича: Рақамли иқтисодиёт – бу жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида турли хилдаги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товар ва хизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини жиддий равишда оширишга имкон берадиган, рақамли кўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили ҳисобланган фаолиятдир. [2]

Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиёт - бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рақамлар асосида юритиш бўлиб, бунда маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқаришдаги асосий омил рақамлар кўринишидаги маълумотлар бўлиб, барча маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш ёрдамида хўжалик юритувчи субъект фаолиятига янада самаралироқ ечимлар тақдим қилувчи тизимдир.

Бошқача қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт маълумотларни бир тизимда жамлаш, мижозларга онлайн хизматлар кўрсатиш, барча маълумот узатишларни ва тўловларни электрон амалга ошириш, интернет савдо ва бошқа турдаги соҳалар ахборот фойдаланувчиларини электрон маълумотларни алмашиш тизимидир.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳоннинг машҳур “McKinsey” экспертларининг баҳолаши бўйича, бугунги кунда жаҳон ЯИМнинг қарийб 10 фоизи рақамли активларга тўғри келади, шу билан бирга, уларни ишлаб чиқиш суръати жаҳон иқтисодий ўсишининг 30 фоизига тенг. Рақамли активларнинг ривожланиши акселератор (тезлаштирувчи) характерга ўхшайди.

Рақамли иқтисодиётда IT ёрдамида таннархни камайтиришга, натижада оптималлашувга ва самарадорлик ошишига эришилади.

Маълумки, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт кўшимча қиймат яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли хил алгоритмлар, жараёнлар ва рақамли ахборотлар корпоратив бизнеснинг стратегик ривожланишида асосий ҳал қилувчи кучга эга бўлмоқда. Рақамли номолиявий омиллар банкларнинг рақобатбардошлигини белгилаб бермоқда, самарадорлигига таъсир кўрсатяпти [3].

Дунё иқтисодиётининг ва ахборот технологияларининг ривожланиши бухгалтерия ҳисобини ҳам ривожланишига асос яратди. Бу эса бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш имконияларини яратди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини юритишда бирқанча дастурий таъминотлардан фойдаланилмоқда, жумладан **1uz, 1c, uzasbo, estat** дастурлари ва бухгалтерия ҳисобининг айрим объектлари учун **my.soliq.uz, faktura.uz, internet banking, didox.uz** сайтларидан фойдаланиб келинмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни рақамлаштириши натижасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг қуйидаги усуларидан фойдаланиш мумкин.

- ❖ *1uz, 1c, uzasbo, estat каби дастурий таъминотларни маълумотлар базасига улаш орқали фаолиятни юритиш;*
- ❖ *булутли технологиялардан фойдаланиш Google drive(disk), yandex disk, Onedrive, dropbox технологияларидан фойдаланиш;*
- ❖ *блокчейн технологиясидан фойдаланиш;*
- ❖ *мобил бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш.*

Ҳар бир технологияни бухгалтерия ҳисобида қўллашнинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд.

1uz, 1c, uzasbo, estat каби дастурий таъминотлари бухгалтерларга бухгалтерия ҳисобининг бир-бирига боғланган соҳаларини юритиш, бошқарув ходимларига тегишли маълумотларга эга бўлиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини беради.

Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бухгалтерлар ишини ва маълумотни қўлда қайта ишлаш билан солиштирганда анча осонлаштиради. Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бошланғич хужжатларни автоматик тарзда реквизитларни тўлдириш, кўп ҳажмли маълумотларни қайта ишлаш, маълумотларни турли кўринишларда фойдаланувчиларга тақдим этиш имкониятларининг мавжудлиги, ортиқча қоғоз сарфи олди олинади, раҳбарият ва қуйи бўғинлар, ташкилий бўлинмалар ўртасида тезкор маълумот алмашинуви, арифметик хатоларни бартараф этиш, назорат қилувчи органлар ва банклар билан онлайн алоқа, қонун хужжатларидаги ўзгаришларга тезда жавоб бериш қобилиятларининг мавжудлиги билан фойдаланувчиларга қулайликлар яратади.[4]

Рақамли иқтисодиётда қўлланиладиган яна бир замонавий технологиялардан бири блокчейн технологиясидир.

Блокчейн - бу маълумотларга эга бўлган муайян қоидаларга мувофиқ тузилган доимий кетма-кетликдаги блоклар занжири (боғланган рўйхат). Блоклар орасидаги алоқа нафақат рақамлаш билан, балки ҳар бир блокда ўз суммаси ва олдинги блокнинг суммаси мавжудлиги билан таъминланади. Блокдаги маълумотларни ўзгартириш учун сиз кейинги барча блокларни тахрирлашингиз керак. Кўпинча блок занжирларининг нусхалари бир-биридан мустақил равишда турли хил компьютерларда сақланади. Бу кўпгина компьютерларда тарқатиладиган марказлаштирилган бошқарувисиз ягона маълумотлар базаси. Блокчейн кўпинча "тақсимланган маълумотлар базаси" деб номланади.

Россиялик иқтисодчи олимлар Н. В.Емельянов, Ю. А.Ермиловаларнинг фикрига кўра блокчейн каби технологиялар бухгалтерия ҳисобини юритиш тизими сингари бухгалтерия усулидаги ютуқлар учун зарур шартдир. Корхоналар битимлар ёзувларини ягона регистрда қайд этишлари ва сақлашлари мумкин, бу эса тақсимланган ва ўзаро боғланган бухгалтерия маълумотлари тизими сифатида тақдим этилади. Ахборотларни сохталаштириш ва йўқ қилиш имконияти тарқатиш тизими ва криптографик ҳимоя туфайли деярли имконсиз бўлиб қолади. Бундай тизим “уч ёқлама ёзув” деб номланади.[6]

Блокчейн технологиясида ташкилотнинг бухгалтерия тизимига блокчейн технологиясини киритишда контрагентлар билан инвентаризация қилиш зарурати мавжуд эмас, чунки дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг шаклланиши ва бекор қилиниши бир вақтнинг ўзида битимни тузишда бир хил баҳоланади. Ҳисобчининг вазифаси сотиб олинган ёки топширилган активларни тўғри таснифлаш ва тегишли даромад ёки харажатларни қайд этишдан иборат бўлади, реал вақт ичида ҳисоб китоблар амалга оширилади, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш мумкин эмас, чунки барча операциялар рақамлаштирилади.[4]

Ҳозирги вақтда энг оммабоб рақамли технологиялардан бири бу булутли технологиялардир. Булутли технологиялар интернетда сақлаш модели, унда маълумотлар тармоқдаги кўп тақсимланган серверларда сақланади ва мижозлар фойдаланиши учун тақдим этилади. Ушбу технологиядан фойдаланишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ташкилот қиммат ускуналар сотиб олиш, унга хизмат кўрсатиш учун мутахассисларни ёллаш ёки ихтисослаштирилган дастурий таъминотни ўрнатиш керак эмас. Булутли хизматлардан фойдаланиш учун **интернетга** кириш кифоя. Булутли технологияларнинг энг оддий наъмунаси виртуал хотира, масалан, **Google drive(disk),yandex disk, Onedrive, dropbox.**

А. П.Круликовский, Т. С.Таратухиналар Онлайн – бухгалтерия ёки интернет – бухгалтерия хизматини кўрсатувчи субъектлар булутли технологияларни қўллаган ҳолда хизмат кўрсатадилар деб таъкидлашган.[7]

Булутли технологиялардан фойдаланишда ҳар қандай қурилмадан (ноутбук, планшет, мобил қурилма) фойдаланиш имконияти мавжуд, ўзига керакли тўплам учун ҳақ тўлайди, фойдаланувчи учун айни пайтда зарур бўлган функцияларни мустақил танлаш имкониятларининг (уланиш тезлиги, хотира ҳажми, ҳисоблаш кучи, шунингдек булутни ижарага олиш вақти) мавжудлигидир.

Бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш соҳада қуйидаги афзалликларни яратади:

- *маълумотлар айланиши тезлашади;*
- *маълумотлар ишончлилиги ортади;*
- *меҳнат самарадорлиги ортади;*
- *хужжатларни тўлдиришга сарфланган вақт тежалади;*
- *махсулот таннархи аниқ ҳисоб китоб қилинади;*
- *кўп ҳажмли маълумотларни тез қайта ишлаш имкони яратилади;*
- *ортиқча қозғоз сарфи олди олинади;*
- *арифметик хатолар олди олинади;*
- *фалоият юритишда жой, вақт ва қурулмалар аҳамияти камаяди, яъни маълумотлардан хохлаган жойда, хохлаган вақтда ва хохлаган қурилма (ноутбук, планшет, мобил қурилма) орқали фойдаланиш мумкин;*
- *маълумотларни йўқолиб кетмаслик кафолатининг мавжудлиги;*
- *меъёрий хужжатларнинг ўзгаришига тез мослашувчанлик;*
- *ҳалқаро стандартларга мослашувчанлик;*
- *солиқлар ва бошқа бюджетга тўловлар бўйича четланишларнинг вужудга келмаслиги ва бошқалар.*

Юқоридагилардан кўришимиз мумкунки бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш нафақат корхона учун балки давлат учун ҳам жуда муҳим вазифалардан биридир.

Бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш соҳада афзалликлар билан бирга айрим муоммоли вазиятларни ҳам вужудга келтиради:

- *иш жойларининг қисқариши, барча бўлимлар автоматлаштирилиши натижасида иш ўринлари қисқариши мумкин;*
- *умумий тизимдан маълумотларни сизиб чиқиши натижасида хўжалик субъектлари маълумотлари ошкор бўлиши;*
- *дастурий таъминотларга тобелик кучаяди;*
- *интернет хизматининг сифати пастлиги тизимда айрим нуқсонларни вужудга келишига сабаб бўлади;*
- *соҳага юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги.*

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштириш бу бизни жаҳон бозорига чиқишимиз учун асос бўлувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётни рақамлаштириш бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчиларнинг имкониятларини кенгайтиради, бухгалтерия ҳисобининг сифати ва самарадорлигини оширади ҳамда бухгалтерия хизматларининг ҳар хил турларини интеграциялашда замонавий инновацион ёндашувларни шакллантиради.

Тадқиқот натижасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Бухгалтерия ҳисобида замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали қоғоз ишини автоматлаштирилган бухгалтерия билан алмаштириш имконияти яратилади ва бу иш натижаларини яхшилади. Ҳозирги вақтда бухгалтерия ҳисобида онлайн-бухгалтерия операциялари, банклар ва бухгалтернинг кундалик ишларига киритилган ахборот технологиялари портфелларини амалга оширишга имкон берадиган махсус онлайн хизматларни соҳаларни бирлаштирган ҳолда жорий қилиш лозим.

2. Бухгалтерия ҳисобида булутли ва блокчейн технологияларидан фойдаланишни оммавийлаштириш лозим. Бу корхоналарга маълумотларни маълум бир базаларда сақлаш, уларни тезкорлик билан алмашиш, маълумотлар шаффофлиги, солиқлар ва бошқа бюджетга тўловлар бўйича четланишларнинг вужудга келмаслигини олдини олади ҳамда қоғоз сарфини камайтиради, натижада корхоналар харажатлари бир мунча камайишига эришилади.

3. Мобил бухгалтерия ҳисобини жорий этиш. Бу турли хил мобил иловаларни яратиш орқили бухгалтерия ҳисоби хизматидан фойдаланувчиларга кенг имкониятларни яратиб беради. Мобил бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар фаолият юритишида жой, вақт ва қурулмалар аҳамияти камаяди, яъни маълумотлардан хохлаган жойда, хохлаган вақтда ва хохлаган қурилма (планшет, мобил қурилма) орқали фойдаланиш имкони яратилади. Бу эса бухгалтерия ҳисоби ахбороти фойдаланувчиларини (рахбарлар, бошқарувчилар, менежерлар) ўз вақтида керакли қарорларни қабул қилишларига имконият яратади ва иш самарадорлигини оширади.

4. Иқтисодиётни рақамлаштириш бухгалтерия ҳисобини янги босқичга олиб чиқади, бу эса ўз ўрнида давлат, соҳа мутахассислари ва амалиётчилардан янги рақамли иқтисодиётда бухгалтерия ҳисобининг меъёрий – ҳуқуқий асосини яратиш учун асосий тушунчалар моделини шакллантириш, қонунчилик, низомлар, йўриқномалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Соатова Ш. / Рақамли иқтисодиёт ҳақида нималарни билиш керак? / (<https://sof.uz/uz/post/raqamli-iqtisodiyot-haqida-nimalarni-bilish-kerak> 01.27.2020)
2. Мустофоқулов Ш. / Рақамли иқтисодиёт–янги Ўзбекистон тараққиётининг янги даври / Ҳалқ сўзи. –25.02.2020. №. 40. <http://tsue.uz/?p=12549>

3. Жумаев Н. / Рақамли иқтисодиёт нега керак ва у нима беради? / <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>
4. Евсюкова О.В., Юрьева О.А. / Роль и значение бухгалтерского учета в условиях цифровой экономики / Молодой исследователь Дона. – 2019. – №. 25. — С. 108–112.
http://mid-journal.ru/upload/iblock/cea/24_Evsyukova_108_112.pdf
5. Сокерин, П. О. Применение облачных технологий в бухгалтерском учете / П. О. Сокерин // Научные стремления. — 2019. — №. 25. — С. 72–74.
6. Емельянов Н. В., Ермилова Ю. А. Влияние цифровизации экономики на развитие бухгалтерского учета //Экономические исследования и разработки. – 2019. – №. 1. – С. 8-12.
7. Круликовский А. П., Таратухина Т. С. Цифровая трансформация бухгалтерского учета //Актуальные проблемы и перспективы развития экономики. – 2019. – С. 207-211.